

ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Джаналиева Гулбахрам Абдурашитовна
ТМС Институти

Аннотация: *Мазкур мақолада ижтимоий педагогик технология тушунчасининг мазмун ва моҳияти, унинг асосий вазифалари ва амалиётдаги аҳамияти ёритилган. Шунингдек, ижтимоий педагогик фаолиятнинг технология сифатида шаклланиш жараёнлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ижтимоий педагогик технология методлари батафсил ёритиб берилган.*

Калит сўзлар: *Ижтимоий педагогика, педагогик технология, ижтимоийлашув, инновация, тарбия, ижтимоий фаолият, педагогик метод, педагогик тажриба, педагогик назорат.*

Ижтимоий педагогика замонавий педагогик фаннинг мустақил йўналишларидан бири сифатида жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларни тарбия, таълим ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали мувофиқлаштиришга қаратилган соҳадир.

Маълумки, сўнгги йилларда педагогика оламида «технология», «педагогик технология» каби тушунчалар кириб келади. Улардан фарқли ўлароқ ижтимоий педагогик технологиянинг мазмуни ва моҳияти нимадан иборат деган ҳақли савол туғилади. Бугунги кунда жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар, ахборотлашув ва глобаллашув жараёнлари ижтимоий педагогикнинг фаолиятида янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Шу боис ижтимоий педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш долзарб масала ҳисобланади.

«Ижтимоий педагогик технологиялар» тушунчаси «педагогик технология» тушунчаларидан келиб чиққан. Педагогик-технология икки соҳада ўз илдизларига эга. Биринчиси, техник фанлар ўқув жараёнининг эффективлигини оширишга ёрдам берувчи техник воситаларни қўллаш ва ишлаб чиқиш. Иккинчиси, ижтимоий фанлар ҳисобланади.

80-йиллар ўрталарида педагогик амалиётда Ш.А.Амонашвили (ижтимоий-шахсий технология), В.П.Беспалко (дастурлаштирилган таълим технологияси), С.Н.Лўсенкова (истикболли таълим) ва бошқаларнинг педагогик технологиялари, В.А.Караковский, Н.Э.Селиванова, Н.И.Хуркова ва бошқаларнинг педагогик тарбия тизимлари умум тан олинди. «Педагогик технологиялар» ўқув фани профессионал педагогларни тайёрлаш дастурига киритилди.

Ҳозирги кунда педагогик технологиялар деганда инсоният ва техник заҳиралардан фойдаланиши орқали ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнини режалаштириш, баҳолаш методлари тушунилади. Педагогикада технологик

ёндозувнинг мақсади барча мақсадларга эришиш кафолатланган таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишдир.

Педагогик технологиялар педагогик жараённинг барча бошқариладиган таркибий қисмларини тизимли таҳлил қилиш, назорат қилишни кўзда тутлади. Ижтимоий-педагогик технология- бу социум аъзоси сифатида инсоннинг ижтимоийлашуви жараёнидаги фаолияти, ҳатти-ҳаракатлари ва онгига маълум мақсад асосида таъсир ўтказувчи педагогик методлар ва воситалар мажмуидир.

Ижтимоий педагогик технологиянинг ўзига хос хусусиятлари

1. Шахсга йўналтирилганлик. Ижтимоий педагогик технология шахснинг индивидуал эҳтиёжларини, ижтимоий ҳолатини ва имкониятларини ҳисобга олади. Бу жиҳатдан у классик таълим технологияларидан фарқ қилади.

2. Комплекс ёндашув. Ижтимоий педагог фаолиятида психология, социология, ҳуқуқ, тиббиёт ва педагогика фанлари интеграция қилинади. Бу технологиянинг кўп соҳали табиати унинг асосий белгиларидан биридир.

3. Ижтимоий адаптация ва интеграцияга қаратилганлик. Бу технология орқали шахс жамиятнинг ижтимоий муносабатлар тизимига мослашишга ёрдам олади.

4. Инновационлик ва динамикалик. Ижтимоий муҳит тез ўзгариб бораётган шароитда педагогик технологиялар доим янгиланишни талаб қилади. Шу сабабли ижтимоий педагог инновацион ёндашувларни қўллайди.

5. Мулоқот ва ҳамкорликка асосланганлик. Ижтимоий педагогик жараён фақат бир томонлама таъсир эмас, балки педагог, оила, таълим муассасаси ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликка таянади.

6. Қайта тикланиш ва профилактика функцияси. Ижтимоий педагогик технология нафақат ижтимоий муаммоларни ҳал қилади, балки уларнинг келиб чиқишини олдини олишга ҳам йўналтирилган.

Болалар ва ўсмирлар орасидаги ижтимоий-педагогик фаолият технологияси қуйдаги шаклда амалга оширилади:

1.Ташкилий фаолият. Бу фаолият боланинг ўқитувчилари, ота-оналари, тенгхурлари билан учрашувлар, суқбат ўтказиш,тўпланган материалларни таҳлил этиш ва шу асосда болага ижтимоий-педагогик ёрдам бериш каби ишларни ўз ичига олади.

2.Ташхис қўйиш ишлари. Бу фаолият бола ёки ўсмир шахсини ўрганиш, турли хил савол-жавоб ишларини олиб бориш каби ишларни ўз ичига олади.

3.Болалар ва ўсмирлар орасида тренинглар ташкил этиш.

4.Коммуникатив-методик ишларни олиб бориш.

5.Касбга йўналтиришга доир фаолият.

6.Ижтимоий зарарларга қарши болаларнинг ижтимоий-психик кўникмаларини ҳамда танқидий муносабатларини шакллантиришга доир фаолият кўрсатиш.

Ижтимоий технологияларнинг турларидан бири ижтимоий иш технологиялари бўлиб улар ижтимоий педагогик технологияларга жуда яқин, чунки юқорида таъкидлагандек ижтимоий педагог ва ижтимоий ишчи фаолиятининг жиҳатлари кўп. Ижтимоий педагогик технологияларни ишлаб чиқиш имкони ижтимоий педагогик фаолиятнинг ўз тузилишига эга эканлигига боғлиқ. Ижтимоий педагогик фаолият мақсад ва вазифаларни аниқлашдан бошланади. Буларни мутахассислар ечишлари лозим, яъни болада муомала кўникмаларини шакллантириш, унга янги муҳитга кўникишга ёрдам беришдир ва бошқа мақсадлар ўз навбатида фаолият мазмуни, унинг амалга ошириш методлари ва уни ташкиллаштириш шакллари аниқлаб беради.

Ижтимоий педагогикада метод- бу шахснинг ижтимоийлашувига ва ижтимоий-педагогик реабилитация ишларини олиб боришга, позитив ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришга қаратилган бола қамда ижтимоий педагогнинг ҳамкорлик фаолиятидир.

Ижтимоий педагог томонидан қўлланиладиган асосий методлар қуйидагича тасниф этилади:

1.Ижтимоий иш методлари. Бунга ижтимоий ташхис методлари (интервью, мониторинг, сотсиологик савол-жавоб ишлари, экспертизадан ўтказиш ва ҳ.к.), ижтимоий реабилитация методлари (меҳнат терапияси, гуруҳли терапия ва ҳ.к) киради.

2.Психологик методлар. Буларга психодиагностика (интеллект ва қобилиятларни аниқловчи тестлар, савол-жавоблар, лойиқа тестлари, социометрия), психокоррекциялар (психогимнастика тренинглар, психологик консултациялар бериш) киради.

3.Педагогик методлар (педагогик тажриба, педагогик назорат, таълим-тарбия бериш методлари)

4.Ижтимоий педагогик методлар (ижтимоий тарбия, таъсир кўрсатиш, ижтимоий педагогик ҳамкорлик қилиш ва ҳ.к)

Олимларнинг фикрича ижтимоий педагогик амалиётидаги методлар- бола ижтимоийлашуви ёки реабилитациясига ёрдам берувчи ижтимоий тажриба тўпланишини таъминловчи ижтимоий педагогик ва боланинг ўзаро боғлиқ фаолияти бўлганлиги учун ижтимоий педагогика методлари ҳақида гапириш ҳали эрта. Улар ҳозир шаклланиш босқичидалар. Шунинг учун ижтимоий педагог ўз амалий фаолиятида педагогика, психалогия ва ижтимоий ишда қўлланаётган методлардан фойдаланади.

Ижтимоий педагогнинг у ёки бу усулни қўллаши аниқ ижтимоий педагогик вазиятга, бола хулқ-атворида, заҳирадаги усулларга боғлиқ. Восита усул ва методдан кўра кенгроқ тушунча ҳисобланади. Чунки усул ва метод фақатгина муайян ҳолатларда восита вазифасини бажаришлари мумкин.

Воситалар-ижтимоий педагог томонидан олдида қўйилган мақсадга эришиши учун қўлланиладиган моддий, эмоционал, ақлий ва бошқа шартлар мажмуасидир.

Воситалар ўз моҳиятига кўра фаолият усуллари ҳисобланмайди, фақатгина бирор-бир педагогик мақсад (масалан, ўйин, суҳбат, диспут, конференция, тренинг ва бошқалар)га этишиши учун қўлланилганида фаолият усулига айланишади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Н.Сайдахмедов “Педагогик технология ва педагогик маҳорат”. Монография. Тошкент 2010 йил.
2. Н.Х.Вахидова “Ижтимоий педагогика”. Дарслик. Т-2021 йил.
3. А.Ахмедов “Ижтимоий педагогика”. Ўқув қўлланма. Бухоро- 2023